

## ? ВПЧ га қарши вакцина нимадан иборат?

ВПЧ га қарши вакцина вируснинг энг кўп учрайдиган турларига ўхшаш зарраларни ўз ичига олади. Бу зарралар тирик вирус эмас ва инфекцияга сабаб бўлмайди. Организмда ушбу зарраларга қарши антитаначалар ишлаб чиқарилади, агар танада қачондир вирус пайдо бўлса, организм ўзини бу антитаначалар орқали химоя қила олади. Ушбу химоя шу даражада яхши ишлайдики, деярли 100% самарадорлик билан шу ВПЧ вакцинаси ўз ичига олган вирус турларидан келажақдаги касалланишни олдини олади. Вакцинанинг максимал самарадорлигини таъминлаш учун вакцинада организмнинг иммунитетини кучайтиришга ёрдам берувчи моддалар - оз миқдорда адъювантлар мавжуд. Тарқалётган миш-мишларга қарамасдан, ҳозирги пайтда мавжуд ВПЧ га қарши вакциналар таркибига тиомерсал ҳам (бошқа вакциналар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган, қўллаш учун тасдиқланган ва зарарсиз консервант) бошқа симобли моддалар ҳам кирмайди.

## ? Вакцина керакли тарзда синовдан ўтказилганми?

Ҳа. Қўллаш учун рухсатнома берилишидан аввал, мавжуд бўлган ҳар бир ВПЧ га қарши вакцина кенг қамровли клиник тадқиқотлар давомида синовдан ўтган. Вакцина ЖССТ томонидан сертификацияланган. Биринчи ВПЧ вакцинаси 2006 йилда лицензияланган ва шу даврдан бугунга қадар дунёдаги 102 мамлакатда 270 миллиондан зиёд ВПЧ вакцинаси қўлланилган. Ҳар йили ВПЧ вакцинасини жорий қилган мамлакатлар сони ошиб бормоқда.

## ? ВПЧ вакцинасини нечта мамлакат жорий қилинган?

102 дан ортиқ мамлакатда бир ёки бир неча турдаги ВПЧ вакцинадан фойдаланишга рухсат берилган. 2019 йил 3 июндаги ҳолатга кўра дунёнинг 96 та давлати (жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақасидаги 33 мамлакат) қизларни миллий эмлаш дастурларига ВПЧ га қарши эмлашни киритган ва 11 мамлакат уни ўғил болалар учун эмлаш дастурига киритган.

## ? ВПЧ нимани англатади?

ВПЧ – одам папиллома вирусидир. Бу тананинг турли қисмлари терисини ёки шиллиқ қаватларини зарарлантирувчи вируслар гуруҳидир. ВПЧ учи ўткир кондиломалар, бачадон бўйни саратони ва бошқа касалликларга олиб келиши мумкин. ВПЧ туфайли юзага келувчи бачадон бўйни саратони бутун дунёда аёлларнинг ўлимига олиб келувчи саратоннинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳар йили бачадон бўйни саратонига 1660 аёл чалинади. Бу касалликдан ўлим даражаси йилига ўртача 600 тага тенг.

## ? Вакцина ВПЧ нинг қайси турларидан химоя қилади?

ВПЧ нинг кўп сонли турлари мавжуд. Ҳозирги кунда мавжуд учта вакцина ушбу вируснинг энг кенг тарқалган ва хавfli турларидан химоя қилади. Ушбу вакциналар қуйидагича таснифланади: икки валентли (2 турдаги ВПЧ дан химоя қилувчи), тўрт валентли (4 турдаги ВПЧ га қарши) ва тўққизта валентли (9 турдаги ВПЧ га қарши). Ўзбекистонда Merck Sharp & Dohme (АҚШ) томонидан ишлаб чиқарилган Gardasil® одам папиллома вирусига қарши квадريفалент вакцинадан фойдаланилади. Квадريفалент вакцина ВПЧ нинг 16 ва 18 чи турларидан химоя қилади, бу бутун дунё бўйича бачадон бўйни саратони билан боғлиқ барча ҳолатларнинг 71% ини ташкил этади, шунингдек, бошқа иккита ВПЧ (6 ва 11) турларини қамраб олади, бу эса учи ўткир кондилома билан боғлиқ барча ҳолатларнинг 90% ни ташкил этади. Бундан ташқари, ВПЧ га қарши квадريفалент вакцинаси эмловга киритилмаган ВПЧ турларидан ўзаро химоя қилишни таъминлайди.

## ? Эмлашни неча ёшда ўтказиш зарур?

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) вакцинация жадвалига мувофиқ 9 дан 13 ёшгача бўлган қизларга ВПЧ га қарши вакцинанинг икки дозасини қўллаш тавсия этилади. Ушбу ёшда вакцина кучли иммунитетни таъминлайди.



# ВПЧ бўйича савол ва жавоблар

Тиббиёт ходимлари учун маълумот

Аёллар саломатлиги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бачадон бўйни саратони профилактикаси ва диагностикаси ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини асраш масалаларига ҳукумат ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги катта эътибор беришади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги 2857-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бирламчи тиббий санитария муассасаларини фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, «СанПин-эпидемиология масалалари тўғрисида» ги Қонуни, СанПиннинг 0239-07г ва бошқа қонуний ҳужжатлар талабларини бажариш мақсадида, ҳамда жаҳоннинг 102 мамлакатиде ВПЧ га қарши вакцинанинг муваффақиятли қўллашни ҳисобга олган ҳолда, 2019 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЖССТ ва ЮНИСЕФ кўмагида бачадон бўйни саратонига олиб келувчи ВПЧ га қарши эмлашни режалаштирмоқда.



Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги



## Бугунги кунга келиб, ВПЧ га қарши вакцина қандай натижалар берди?

ВПЧ вакциналарини қўллаш юқори даражада бўлган мамлакатларда ВПЧ инфекциясининг тарқалиши ва бачадон бўйни патологик ўзгаришлари бўйича кўрсаткичлар аниқ пасайиши кузатилмоқда. Бунинг тўғридан-тўғри далиллари бачадон бўйни зарарланган аёлларнинг сонини камайиши ва учи ўткир кондилома билан оғриган эркаклар ва аёллар сонининг кескин камайиши ҳисобланади. ВПЧнинг тарқалиши камайган барча ҳолларда, кейинги йилларда ёки ўн йил ичида ВПЧ билан боғлиқ бачадон бўйни саратони ва бошқа турдаги саратон касалликларининг сони камайиб боради.

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, вакцинани жуда ҳам самарадорлиги кузатилмоқда. Австралия, Бельгия, Германия, Швеция, Буюк Британия, АҚШ ва Янги Зеландияда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, эмлашдан кейин ВПЧ инфекцияси ва учи ўткир кондиломалар билан ўспирин қизлар ва ёш аёллар орасида касалланиш ҳоллари 90% га кескин камайди. Кейинчалик, эмланган гуруҳ аъзолари бачадон бўйни саратони учун скринингдан ўтган чоғларида, бачадон бўйни патологик ўзгаришлари юзага келиш ҳоллари камайиши яна ҳам аниқ кузатилди.

Мисол учун, ВПЧ вакцинаси илгари жорий этилган Австралия ва Данияда, иммунизация дастурлари юқори қопланиш даражаларига эришганлиги сабабли, даво-ланишсиз саратонга олиб келиши мумкин бўлган бачадон бўйни патологик ўзгариш ҳоллари 80% га пасайиши кузатилган.



## Вакцина эмланган аёлларнинг бачадон бўйни саратони учун мунтазам скринингдан ўтиши ҳали ҳам керакми?

**Ҳа.** Чунки саратон олди зарарланишлари кўп йиллар мобайнида ривожланиб борганлиги сабабли, 30 ёшдан бошлаб барча аёллар учун скринингни мунтазам равишда олиб борилиши тавсия этилади. Эмлаш бар-

ча бачадон бўйни саратонининг 71-90% ини ташкил этадиган ВПЧ турларидан ҳимоя қилади, аммо барча мумкин бўлган ҳолатларни олдини ололмайди. Папаниколау тести (ПАП тести) ва визуал текшириш каби бачадон бўйни саратонини текшириш дастурлари ВПЧ турлари келтириб чиқарувчи патологик ҳолатларни эрта босқичда аниқлаши мумкин, бу эса ўз навбатида, уларни саратонга айланишидан аввал бартараф этишга ёрдам беради.



## Вакцинанинг таъсири қанча вақт давомида сақланади?

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 10 йилдан кўпроқ вақт олдин эмланган одамлар вакцинага қўшилган ВПЧ турларига қарши шу кунгача тўлиқ ҳимояланганлар ва шунинг учун ҳам ушбу ВПЧ турлари натижасида келиб чиқувчи бачадон бўйни саратон олди зарарланишлари, учи ўткир кондиломалар ва бошқа касалликлар ривожланиш хавфидан ҳали ҳам ҳимояланганлар. Эмланган аҳолида бундай ҳимоянинг заифлашувига ҳеч қандай далиллар йўқ ва мутахассислар фикрича, вакцина ўзининг самарадорлигини бир неча ўн йиллар давомида сақлаб қолади.



## Вакцинанинг ҳар қандай ножўя таъсири борми?

Бошқа вакциналар ва препаратлардан фойдаланиш каби, ВПЧ эмлашдан кейин энгил ножўя таъсири юз бериши мумкин, масалан: Эмлаш жойида оғриқ ва қизиллик, одатда, бир кундан ортиқ давом этмайди. Баъзан қизлар бош оғриғи, энгил иситма, безовталиқ ва кўнгил айниши ҳақида шикоят қилишлари мумкин. Аммо ВПЧ га қарши эмлашнинг афзалликлари минимал ножўя таъсирдан анча устундир. ВПЧ афзалликлари ичига ВПЧ билан боғлиқ барча бачадон бўйни ва бошқа турдаги саратон касалликларининг 71-90% ини, шунингдек, учи ўткир кондиломаларнинг 90% ни ташкил этувчи ҳолларда ВПЧ турлари инфекциясини юқтиришни олдини олади (масалан, квадريفалент ва тўққизта валентли вакцина). 2006 йилдан буён эҳтиёткорлик билан олиб борилган мониторингга ва бугунга қадар эмланган 270 миллиондан ортиқ ВПЧ вакци-

на дозасига қарамасдан, ВПЧ га қарши вакцинация билан боғлиқ жиддий ножўя таъсирлар мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ.



## ВПЧ вакцинасини репродуктив функцияга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида далиллар борми?

**Йўқ.** ВПЧ вакциналари репродуктив функцияга таъсир қилмайди. 2006 йилда биринчи ВПЧ вакцинасини лицензиялашдан олдин ўтказилган клиник тадқиқотлар, шунингдек, у жорий этилгандан кейин амалга оширилган мониторинг ва хавфсизлик тадқиқотлари, эмлаш аёлларнинг репродуктив функцияларида ҳеч қандай бузилишларга олиб келмаслигини тасдиқлади.

Бундан ташқари, ВПЧ вакцинаси бачадон бўйни саратон олди зарарланишлари ва бачадон бўйни саратонини олдини олиши туфайли репродуктив функцияни ҳимоя қилади. Ҳомиладорлик даврида бачадон бўйни саратони олди зарарланишларини жарроҳлик даволаш бола вақтдан илгари туғилишига ва хомила ўлимига олиб келиши мумкин ва бачадон бўйни саратонини даволаш (бачадон бўйни ва бачадонни олиб ташлаш, кимёвий терапия ва / ёки нурли терапия) аёлни бола туғиш қобилиятидан маҳрум қилади.

2017-18 йилларда Янги Зеландия ва АҚШда кўшимча тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот натижалари, ВПЧга қарши эмланган аёллар орасида ҳомиладорлик частотаси эмланмаган аёлларда ҳомиладорлик частотасидан фарқ қилмаслигини тасдиқлади. Бундан ташқари, анамнезда кичик чаноқ аъзолари юқумли касалликларига чалинган аёллар гуруҳида, ВПЧга қарши эмланган аёллар орасида ҳомиладорлик частотаси эмланмаган аёлларда ҳомиладорлик частотасига қараганда анча юқори эди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бирламчи тухумдон етишмовчилиги, шунингдек вақтдан илгари бола туғиш хавфи ВПЧ га қарши эмланган аёлларда эмланмаган аёлларга қараганда пастроқ.